

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019. Gr.47.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЗАИТОВ ШЕРЗОД ШУХРАТОВИЧ

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЎЛ ВА
ЯРИМ ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИДАГИ ЯЙЛОВ ЎСИМЛИКЛАРИ
ДИНАМИКАСИНИ МАСОФАДАН ЗОНДЛАШ МАЪЛУМОТЛАРИДАН
Фойдаланиб
МОНИТОРИНГ Қилиш**

11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология.

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Зайтов Шерзод Шухратович

Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистоннинг чўл ва ярим чўл
худудларидаги яйлов ўсимликлари динамикасини масофадан зондлаш
маълумотларидан фойдаланиб мониторинг қилиш..... 3

Зайтов Шерзод Шухратович

Мониторинг динамики пастбищной растительности на пустынной и
полупустынной территории Узбекистана с использованием
дистанционного зондирования земли в условиях изменения климата..... 21

Zaitov Sherzod Shukhratovich

Monitoring of the dynamics of pasture vegetation in the desert and semi-desert
territory of Uzbekistan using remote sensing in conditions of climate
change..... 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019. Gr.47.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЗАИТОВ ШЕРЗОД ШУХРАТОВИЧ

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЎЛ ВА
ЯРИМ ЧЎЛ ҲУДУДЛАРИДАГИ ЯЙЛОВ ЎСИМЛИКЛАРИ
ДИНАМИКАСИНИ МАСОФАДАН ЗОНДЛАШ МАЪЛУМОТЛАРИДАН
Фойдаланиб Мониторинг Қилиш**

11.00.04 – Метеорология. Иқлимшунослик. Агрометеорология.

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Gr135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) бўлиб, Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арушанов Михаил Львович
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Эшқобул Юлдашевич
техника фанлари доктори, профессор
Султошева Оралхон Генжебаевна
география фанлари номзоди, дотцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/06.12.2017.G.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил “27” март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998)712358512, факс: (+998)712371319; E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№223 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319; E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация автореферати 2024 йил “9” март куни тарқатилди.

(2024 йил “9” мартдаги 2 рақамли реестр баённомаси).

Б.М.Холматжанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.Э.Нишонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н.,
катта илмий ходим

Х.Т.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда, иқлим шароитларининг кескин ўзгариши оқибатида дунёда чўл ҳудудларидаги ерларнинг деградацияга учраши яйловларнинг экологик ҳолатини ёмонлашишига олиб келмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маърузасида “Ерларнинг деградацияси тупроқларимиз унумдорлигини пасайтиради, озик-овқат хавфсизлигига таъсир қилади ва миллионлаб одамларни қашшоқлик ва очликка дучор қилади”¹, деб таъкидланади. Шу боис, ерлар деградациясини олдини олиш ҳамда қишлоқ хўжалик ерлари ва яйловлар маҳсулдорлигини баҳолаш мақсадида замонавий мониторинг усулларини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда яйлов ўсимликлари қоплами мониторингида геоахборот тизимларидан фойдаланиш ва масофадан зондлаш маълумотларининг кўп спектрли тасвирларини таҳлил қилиш асосида автоматлаштирилган мониторинг тизимларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ернинг сунъий йўлдошларидан (ЕСЙ) узатилаётган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, уларни таҳлил қилишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, турли индекслардан фойдаланиб ерларнинг ўсимлик билан қопланганлик даражасини аниқлаш ҳамда яйлов майдонлари деградациясининг олдини олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерлари маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ерлар деградациясини камайтириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-277-сон қарорида “... замонавий технологиялар (лаборатория, дронлар, масофадан зондлаш ва бошқалар)ни қўллаш йўли билан ерлар деградацияси ва чўлланиши, ...мониторингини юритиш”² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикада ерлар деградациясига қарши курашиш, унинг салбий оқибатларини юмшатиш, ҳудудларда чўлланиш, қурғоқчиликнинг олдини олиш, биохилма-хилликни асраб қолиш, янги электрон карталарни яратиш, ҳамда ушбу йўналишдаги илғор илмий ишланмалар, инновациялардан кенг фойдаланиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4243-сон, 2022 йил 10 июндаги “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-277-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги “Яйловларда чорва молларини ўтлатишда энг кўп йўл қўйиладиган фойдаланиш нормаларини белгилаш,

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг чўлланишга қарши конвенцияси, 2022 йил 10 октябр.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-277-сон қарори.

яйловлар алмашилини таъминлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 689-сон Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиий объектларнинг спектрал характеристикаларини ўрганиш, ерни масофадан зондлаш маълумотлари орқали мониторинг масалаларини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар билан хорижий олимлар, жумладан, G.S.Birth, G.McVey, Rouse, A.J.Richardson, C.L.Wiegand, J.Closs, S.Spangler, A.R.Huete, R.D.Jackson, N.H.Broge, E.Lebanc, K.Masugi, M.Daigo, S.Furumi, L.Zhang, M.D.King, X.Xiong ва бошқалар шуғулланганлар. Улар ўз илмий ишларида табиий объектларнинг спектрал акс этириш қобилиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратганлар.

Собиқ Иттифоқ ҳамда МДХ давлатлари олимлари К.Я.Кондратьев, Ю.В.Тимофеев, Г.Б.Гонин, И.А.Бычкова, Д.М.Сонечкин ва бошқаларнинг илмий ишларида ернинг сунъий йўлдоши ёрдамида зондлаш маълумотларидан фойдаланиб, табиий объектларни спектрал тавсифларининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ўзбекистондан В.И.Рачкулик, М.В.Ситникова, М.Л.Арушанов, М.В.Буркова, И.А.Новицкая, О.Колдыбаев, Е.Н.Алексеев, Б.К.Долматов, Т.Е.Сумочкина, Б.К.Царёв ва бошқалар сунъий йўлдош тасвирларидан фойдаланиб ўсимлик қопламани мониторинг қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Бироқ, юқорида келтириб ўтилган олимларнинг ўсимликларни спектрал акси ва яйлов майдонларининг мониторингига оид тадқиқотларида, чўл ва ярим чўл ҳудудларидаги метеорологик шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда яйлов ўсимликларининг автоматлаштирилган мониторинги кўриб чиқилмаган. Мазкур диссертация иши ўрганилаётган объектнинг спектрал аксини ўрганишга асосланган усулга таяниб, автоматлаштирилган тарзда гуруҳлаш ва динамиканинг тезкор кузатувини амалга ошириш жиҳатлари билан юқорида келтирилган тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №АЛМ-202107008 “Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари учун сел оқими хавфини олдиндан огоҳлантиришнинг интерактив онлайн тизимини яратиш” (2021-2023 йй.) амалий лойиҳаси ҳамда ФАО нинг “Марказий Осиёдаги чўллар бўйича ташаббуси” (CADI) (2017-2020 йй.), БМТ ва ЮНЕСКО нинг “Қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш орқали

Оролбўйида инсон хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги халқаро тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чўл ва ярим чўллардаги яйлов ўсимликларининг кўп спектралли сунъий йўлдош тасвирларининг ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари бўйича ERA5 реанализ маълумотлари жамланмаси асосида ишлов беришнинг автоматлаштирилган технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ерни масофадан зондлашнинг кўпспектрал динамика маълумотлари асосида ер юзасининг ўсимлик қопламини аниқлаш бўйича мавжуд усулларни таҳлил қилиш;

ерни масофадан зондлашнинг кўпспектрал динамика маълумотлари асосида ўсимлик қопламини диагноз қилишни автоматлаштириш тартибини ишлаб чиқиш;

тажриба учун танланган майдонларда дала тадқиқотларини амалга ошириш;

тадқиқот ўтказилаётган ҳудудларда вегетация даври давомида ўсимликлар таҳлили, гуруҳланиши ва динамикасини аниқлаш учун ўсимлик қопламининг нормаллаштирилган вегетация индексидан фойдаланишни такомиллаштириш;

масофадан зондлаш маълумотлари ва географик ахборот тизимлари (ГАТ) технологиялари ёрдамида ернинг ўсимлик қопламини аниқлашда комплекс автоматик мониторингини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг чўл ва ярим чўл ҳудудларидаги яйлов майдонлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини яйлов ўсимликларининг NOAA, MODIS, Landsat сунъий йўлдошларидан олинган спектрал тасвирларини ўрганиш, ўсимлик қопламининг нормаллаштирилган вегетация индексини таҳлил қилиш ва Random Forest алгоритмини ҳудуд учун мослаштириш масалалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ернинг сунъий йўлдоши ёрдамида олинган тасвирларни бирламчи ишлов беришда фазовий механика ва математик хариталаш усулларида, шунингдек, тасвирларга рақамли ишлов бериш, математик статистика (корреляция, регрессия, спектрал, вейвлет-таҳлил) усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Ўзбекистоннинг чўл ва ярим чўл ҳудудлари учун ўсимлик қопламини кузатиш мақсадида спектрал тасвирларга автоматлаштирилган қайта ишлов бериш усули ишлаб чиқилган;

республикадаги чўл ва ярим чўл ҳудудлар учун ўсимлик қопламини нормаллаштирилган индекси (NDVI) дан фойдаланиб, яйлов ўсимликларининг вегетация даврининг бошланиш ҳамда тугаш муддатларини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

вейвлет-таҳлил асосида Ўзбекистоннинг чўл ва ярим чўл ҳудудларида яйлов майдонларидаги ўсимлик қопламининг яшиллик даражасига мувофиқ

ўсимликларнинг ўсиш ва ҳосилдорлик даврини аниқлаш усули яратилган;
республиканинг чўл ва ярим чўл ҳудудларида вегетация даврида яйлов ўсимликлари қопламининг динамикасини автоматик баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ернинг сунъий йўлдошларидан олинган тасвирлар ёрдамида Ўзбекистон республикаси чўл ва ярим чўл ҳудудларидаги ўсимлик қоплами таҳлилининг усуллари ва технологияси ишлаб чиқилган;

метеостанцияларда кузатиладиган ҳарорат ва ёгингарчилик маълумотлари ҳамда реанализ маълумотлари коэффицентлари ўртасидаги ўзаро мувофиқлик баҳоланган;

иқлим параметрларини ҳисобга олган ҳолда вегетация даврининг бошланиш муддатини аниқлаш усули такомиллаштирилган;

республика ҳудудидаги полигонлар бўйича амплитудали вейвлет функциялар ҳамда ўсимликнинг ўртача ойлик нормаллаштирилган вегетация индекси (NDVI) скейлограммалари олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация ишини бажариш жараёнида масофадан зондлаш маълумотлари (NOAA, MODIS, Landsat ва ERA5), Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида олиб борилган стандарт метеорологик кузатиш маълумотларидан ҳамда илмий-тадқиқот институтлари, жумладан, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ), Халқаро сув ресурсларини бошқариш институти (IWMI), Давлатлараро сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг илмий-ахборот маркази (ДСХМК ИАМ) материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, диссертация мавзуи доирасида тажриба майдонларида амалга оширилган дала тадқиқотлари ва кузатишларидан олинган натижаларини сунъий йўлдош тасвирларини қайта ишлаш орқали текширилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республиканинг чўл ва ярим чўл ҳудудларидаги яйлов ўсимликлари мониторингини олиб боршда сунъий йўлдош тасвирлари орқали ўсимлик қоплами таҳлили учун такомиллаштирилган усул ва технологияни ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, олинган асосий хулоса ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа ишлаб чиқариш ташкилотларида ўсимлик қоплами мониторинги учун автоматлаштирилган технологиядан фойдаланиб, тезкор қарор чиқариш ва аниқ чора-тадбирлар қўлланишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яйлов ўсимликларини масофадан зондлаш орқали мониторинг қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чўл ва ярим чўл ҳудудларидаги яйлов майдонларини комплекс мониторинг қилиш мақсадида илк бор спектрал тўлқинларнинг сигнаliga автоматик қайта

ишлов бериш усули Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида Сентоб-Нурота, Янгиқишлоқ, Томди, Бўзаубой, Нуробод, Машиқудуқ, Оқбайтал ва Устюрт яйлов участкаларидаги ўсимлик қопламини хариталаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 27 декабрдаги 01-15-1654-сон маълумотномаси). Натижада, яйлов ўсимликларини тезкор мониторинг қилишда юқори самарадорликка эришиш имконини берган;

чўл ва ярим чўл ҳудудлари учун ўсимлик қопламининг нормаллаштирилган индекси(NDVI)дан фойдаланиб, яйлов ўсимликларининг вегетация даврини бошланиш ҳамда тугаш муддатларини аниқлашнинг такомиллаштирилган усули Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 27 декабрдаги 01-15-1654-сон маълумотномаси). Натижада, ўрганилаётган яйлов ҳудудларида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар режасига аниқлик киритиш имконияти яратилган;

чўл ва ярим чўл ҳудудларидаги яшил майдонларнинг ўзгаришини вейвлет таҳлили асосида баҳолаш усули Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида ўсимликларнинг вегетация давридаги ўсув даври ва унинг ҳосилдорлик даврига оид вазиятни баҳолаш масалаларини ҳал этишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 27 декабрдаги 01-15-1654-сон маълумотномаси). Натижада, ўсимликларнинг вегетация давридаги ўсув даври ва унинг ҳосилдорлик даврини аниқлаш имконини берган;

В дастурлаш тили асосида яйлов ўсимликларини автоматик баҳолаш усули Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказида Сентоб-Нурота, Янгиқишлоқ, Томди, Бўзаубой, Нуробод, Машиқудуқ, Оқбайтал ва Устюрт участкаларида яйлов ўсимликлари динамикасини масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланиб мониторинг қилиш жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказининг 2022 йил 27 декабрдаги 01-15-1654-сон маълумотномаси). Натижада, яйлов ўсимликлари динамикасини масофадан зондлаш маълумотларидан фойдаланиб, автоматик равишда мониторинг қилиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур диссертация ишининг асосий натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 2 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўрганилаётган ҳудуднинг табиий географик шароити ва масофадан зондлаш маълумотлари асосида ўсимликлар билан қопланганлик диагнози масалаларига бағишланган тадқиқотлар**» деб номланган биринчи бобда Ўзбекистон ҳудудидаги тадқиқ этилаётган яйлов ландшафтларида ўсимликлар билан қопланган майдонларга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳарорати динамикасини ҳисобга олган ҳолда, табиий-географик жиҳатдан ўрганилган тавсифи келтирилган. Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмини турли-туман ландшафтга эга бўлган Турон пасттекислиги эгаллаган. Ўзбекистон ҳудудида кенглик-зонал чўл ва ярим чўл туридаги ландшафтлар кўп учрайди (1-расм).



1-расм. Ўрганилаётган ҳудуднинг чўл ва ярим чўл ландшафти

Бундай турдаги ландшафтлар текисликларга хос бўлиб, қумли, лойли, тошли, яйлов ўсимликлари билан қопланган шўрхок чўл, кулранг-кўнғир тупроқли ва кескин қурғоқчил иқлимли ландшафтларни ўз ичига олади ҳамда мазкур ишнинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Ўтлоқ ўсимлик қоплами лёссли субтропик эфемер чўл ландшафтларига хосдир.


Баҳор фаслида бу ерларда бир-бирига туташ, ёрқин гуллайдиган ўт-ўланлар яхши ривожланади, аммо ёзда улар жазирама офтобда тез куйиб кетади. Бундай ландшафтлар ҳам текисликларга, ҳам пасткам тоғ этаги адирларига хосдир. Сунъий йўлдошдан олинган тасвирлардан фойдаланиб, ўсимлик қоплами ва унинг динамикасини таҳлил ва тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, ўсимлик индексининг кўпспектрал тавсифлари асосида ўсимлик қопламини

мониторинг қилишнинг комплекс автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бугунги кунда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ернинг сунъий йўлдош (ЕСЙ) ларининг ишга туширилиши билан ер шарининг ресурс салоҳиятини аниқлаш, улардан экологик муҳит динамикасини ўрганиш мақсадида фойдаланиш, метеорологик катталикларни олиш ва таҳлил қилиш даври бошланди. Натижада Европа космик агентлиги (EUMETSAT – European Space Agency), Россия Федерацияси (РФ), Америка Қўшма Штатлари (АҚШ), Франция, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Бразилия ва бошқа айрим давлатлар томонидан ўз орбиталарига етказиладиган ҳамда ерни масофадан ўрганиш учун мўлжалланган геостационар, метеорологик ва ЕСЙ ресурсли сунъий йўлдошлардан иборат тизим шакллантирилди.

Глобал миқёсда ўсимликлар билан қопланганлик динамикасини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган. NOAA/AVHRR маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган нормаллашган ўсимлик индексини таҳлил қилиш асосида Америка, Европа, Осиё ва бошқа қитъаларнинг ўсимликлар билан қопланиш динамикаси ўрганиб чиқилган. Ўсимлик қопламанинг спектрал параметрларини масофадан зондлаш маълумотлари ҳамда ягона ГАТга жамланган метеорологик маълумотларининг мажмуи асосида ўсимликлар қоплами ҳолатини тезкор мониторингини амалга ошириш технологияларини яратиш имкони юзага келди. Ўсимликлар қоплами, жумладан, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолати динамикасини мониторинг қилиш ва прогнозлаш технологиясини қўллаш, ердан кузатишни истисно этмаган ҳолда, вегетация даври учун ва йил давомида районларга бўлинган майдонларда деталлашган глобал мониторинг олиб бориш имконини беради.

Диссертациянинг «**Асосий метеорологик ва сунъий йўлдош маълумотларига ишлов бериш**» деб номланган иккинчи бобида чўл ва ярим чўл яйловларининг ўсимликлар қопламини мониторинг қилиш учун фойдаланилган мавжуд NOAA/AVHRR, MODIS/AQUA, MODIS/TERRA ва Landsat 8 каби ернинг сунъий йўлдошлари тизимлари таснифи ва турлари баён этилган. Метеорологик маълумотлар сифатида ERA5 реанализ маълумотлари ҳамда Ўзгидрометнинг метеорологик тармоғи кузатувларида олинган маълумотлардан фойдаланилган (2-расм).




2-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги метеорология станциялари ва реанализ тармоқлари

Диссертациянинг «Сунъий йўлдош ёрдамида масофадан зондлаш маълумотлари асосида ўсимликлар қоплами мониторингини тезкор технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи боби масофадан зондлаш ёрдамида олинган тасвирларга бирламчи ишлов бериш масалаларига бағишланган.

Бирламчи ишлов бериш доирасида бажариладиган геометрик ишлов бериш икки усулда амалга оширилади:

- 1) орбитал маълумотлар бўйича географик боғланиш алгоритмини қўллаш усули;
- 2) Ернинг эгрилигидан келиб чиққан ҳолда тасвирни дастлабки коррекциясининг таянч нуқталари бўйича географик боғланиш алгоритмини қўллаш усули.

Мазкур диссертация ишида NOAA/AVHRR сунъий йўлдоши учун иккинчи усул қўлланилган ҳамда тасвирни берилган картографик проекциясига ўтказиш трансформацияси бажарилган (3-расм).



3-расм. Геометрик коррекция ва географик боғлашнинг тўлиқ цикли амалга оширилган ернинг сунъий йўлдоши NOAA/AVHRR (24.05.2017й.) тасвир фрагменти

NOAA/AVHRR сунъий йўлдошининг борт ускунасини ердан туриб тузатиш таъминланмаган. Шунинг учун, баъзи ҳолларда, тасвирни дастлабки қайта ишлаш босқичида тасвир ёрқинлиги даражасини созлаш учун калибрлаш функциясини жорий қилиш керак бўлади. Ушбу функция сунъий йўлдошнинг эксперимент ўтказиш - самолётдан тегишли тўлқин узунлиги диапазонларида сканерлаш (ҳаводан суратга олиш) ёки ўрганилаётган объектлар синов майдонларида дронлардан фойдаланиш натижасида олиниши мумкин.

Қуйидаги жадвалда геореференция тузатиш жараёнини қўллашдан олдинги ва кейинги ҳисобланган геореференция боғламнинг ҳолати кўрсатилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, сунъий йўлдош тасвирларини тузатиш тартибини амалга ошириш геореференция боғлаш хатолигини кескин миқдорда камайтиради (1-жадвал).

1-жадвал

NOAA/AVHRR сунъий йўлдошининг тасвирларига асосланган тасвир геореференциясини аниқлигини баҳолаш

Тасвир рақами	Максимал абсолют қолдиқлар			
	Тўғрилашгача		Тўғрилашдан кейин	
	Кенглиги	Узунлиги	Кенглиги	Узунлиги
1	0,25	0,28	0,02	0,04
2	0,13	0,30	0,05	0,07
3	0,24	0,25	0,02	0,05
4	0,19	0,19	0,03	0,03
5	0,14	0,17	0,04	0,07
6	0,16	0,15	0,05	0,02
7	0,13	0,15	0,05	0,03
8	0,11	0,21	0,03	0,02
9	0,15	0,23	0,02	0,04
10	0,14	0,18	0,02	0,02

Маълумотларга тематик ишлов бериш жараёнида тадқиқот объекти ҳудудлари учун ўсимлик қоплами индексини ҳисоблаш амалга оширилади. Вегетация индекси сифатида ўсимликнинг нормаллашган индекс - Normalized Difference Vegetation Index (NDVI) кўриб чиқилган. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$NDVI = \frac{NIR-RED}{NIR+RED} , \quad (1)$$


бу ерда NIR – спектрнинг яқин инфрақизил диапазонда акс этиши;

RED – спектрнинг қизил диапазонда акс этиши.

Юқоридаги (1) формулага биноан, ўсимлик қоплами зичлиги қизил ва инфрақизил диапазонда акс этган ёруғлик интенсивлиги фарқи уларнинг интенсивликлари йиғиндисининг нисбатига тенг.

NDVI ҳисоб-китоби ўсимлик спектрини акс эттириш эгри чизиғининг иккита барқарор бўлимига асосланади. NDVI индексини кўрсатиш учун $\{-1,+1\}$ оралиғидаги дискрет қийматлар шкаласи қўлланилади.

Мазкур ишда ўрганилаётган ҳудуднинг растр кўринишини ва Landsat тасвирлари асосида NDVI вегетацион индексини ҳисоблаш мақсадида, иш жараёнини автоматлаштириш ArcGIS 10.8 пакетининг “ModelBuilder” иловаси асосида амалга оширилган (4-расм).



4-расм. Берилган кириш параметрлари бўйича жараёнларни автоматлашган тарзда бошқариш схемаси (ArcGIS даги модул)

Диссертациянинг «Ўзбекистон ҳудудида иқлим ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда кўп зонали масофадан зондлаш маълумотлари бўйича яйлов ландшафтлари NDVI нинг динамикаси» деб номланган 4-бобда реанализ маълумотлар базасини шакллантириш тартиби ишлаб чиқилган ҳамда ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар даврий қаторларининг статистик бир хиллиги ўрганилган (5-расм). Тадқиқот объектларида яйлов ландшафтининг ўсимликлар қоплами динамикаси иқлим ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқликда тадқиқ этилган, шу билан бирга, берилган туркумлар сонига мос тасвир объектлари гуруҳланишининг алгоритми баён этилган.

Даврий қаторларнинг статистик ўхшашлиги Фишер ва Стьюдент мезонлари асосида баҳоланди.

Фишер бўйича даврий қаторлар бир хиллиги мезони (дисперсиялар ўхшашлиги):

$$F = \frac{\sigma_1^2}{\sigma_2^2}, \quad (2)$$


бу ерда: σ_1^2 , σ_2^2 – ўхшашликка текширилаётган даврий қаторлар дисперсиялари.

Даврий қаторларнинг ўртача миқдорларининг ўхшашлигини текшириш Стьюдентнинг t -мезонига асосланган:

$$t = \frac{|\bar{F}_1 - \bar{F}_2|}{\sqrt{n_1 \sigma_1 + n_2 \sigma_2}} \cdot \sqrt{\frac{n_1 n_2 \cdot (n_1 + n_2 - 2)}{n_1 + n_2}}, \quad (3)$$

бу ерда: \bar{F}_1 , \bar{F}_2 – тадқиқ этилаётган қаторларнинг ўртачалари;

n_1 , n_2 – уларнинг узунлиги; σ_1 , σ_2 – уларнинг дисперсиялари.



5-расм. Метеостанцияларда кузатилган ва реанализ бўйича ҳаво ҳарорати ҳамда ёғингарчилик маълумотларининг ўзаро мувофиқлиги

Сўнгра “Random Forest” алгоритмини қўллаган ҳолда, тасвирдаги объект турларининг классификацияси амалга оширилди. Тест майдонларининг мавжудлиги эса классификация натижаларини верификациялашни амалга ошириш, яъни алгоритм ишига баҳо бериш имконини берди. Алгоритмнинг асосий ғояси қуйидагича:

N орқали қарорлар қабул қилиш сонини (ансамбллар сонини) белгилаймиз ва p – бу N сонли қарорлардан i -тўғри қарорининг эҳтимоли бўлсин, μ – барча N лар бўйича тўғри қарор эҳтимоли бўлсин, m – N дан минимал кўплик, яъни $m = N/2+1$.

Шубҳасиз,
$$\mu = C_N^i p^i (1 - p)^{N-i}, \quad (4)$$

бу ерда: C_N^i – N ичидан i бўйича бирикмалар сони. Бу ҳолда, агар $p > 0,5$ бўлса $\mu > p$ бўлади, демак, агар $N \rightarrow \infty$ бўлса, унда $\mu \rightarrow 1$. Акс ҳолда, $p < 0,5$ бўлганида, $\mu \rightarrow 0$ булади. Шундай қилиб, ансамбллар сони қанча кўп бўлса, классификация шунчалик аниқ бажарилган бўлади.


Ҳар бир “шоҳ” миқдори мезони $iGAIN$ формуласи бўйича аниқланади.

$$iGAIN(S) = H(S) - \sum_{v=1}^N \frac{S_v}{S} H(S_v), \quad (5)$$

$$H(S) = - \sum_{c \in C} p_c \log_2 p_c, \quad (6)$$

бу ерда: C – кўриб чиқиладиган масаланинг туркумлари тўплами; p_c – S объектлар тўплами учун c туркум эҳтимоли; $H(S)$ – S тўпلامнинг энтропияси; $H(S_v)$ – S тўпلامнинг v - объекти энтропияси; N – объектлар миқдори. Парчалаш жараёни (“дарахтни” шакллантириш) дихотомик тарзда бажарилади, яъни икки анча майдароқ гуруҳларга бўлиш амалга оширилади.


6-расмда ушбу тадқиқот ишида қабул қилинган туркумлар ажратилишига мувофиқ равишда қарорлар “дарахти”ни шакллантириш жараёни яққол кўрсатилган.



6-расм. Иккита туркум учун қарорлар “дарахти”


Ушбу тадқиқот ишида икки туркум кўриб чиқилган: C_1 туркум – ўсимликлар қатлами; C_2 туркум - бошқа объектлар. $\{(x_i, y_i)\}$ ($i=1,2,\dots,N$) – объектларнинг белгиланган танлови, бу ерда $x_i \in R^2$ – объектнинг икки ўлчовли маконда белгили тавсифи, $y_i \in \{0,1\}$ эса белгининг аломати бўлган.

Сайтдан олинган метеорологик очиқ реанализ маълумотлар базасини яратиш ва уларни олиш учун рақамли маълумотлар матрицалари шакллантирилди. Бунинг учун ArcGIS 10.8 дастурининг “ModelBuilder” қўшимча пакети ёрдамида NETcdf форматида тақдим этилган ERA5 реанализ маълумотларини TIF форматига - рақамли маълумотлар матричасига ўтказилди (7-расм).



7-расм. NETcdf форматдаги реанализ маълумотларини матрицага айлантириш. а) – растр формати; б) – рақамли матрица.

Вегетация даврининг бошланиш ва охири саналари қишлоқ хўжалиги бошқарувида ўсимлик билан қопланиш динамикасини моделлаштириш масалаларида муҳим параметрлардан бири ҳисобланади. Тадқиқот ишида вегетация даврининг бошланишини муддати метеорологик ва сунъий йўлдош (NOAA/AVHRR) маълумотлари асосида 2017 йил давомида Устюрт платоси полигони мисолида аниқланди (8-расм).




8-расм. Комплекс маълумотлар асосида вегетация даврининг бошланишини ҳисоблаш натижаси:

а) ҳаво ҳарорати бўйича; б) NDVI бўйича; в) вақт силжишининг ўзаро корреляция функцияси.

Вегетация давринг давомийлиги тебранишларини аниқлаш мақсадида NDVI вегетация индексининг вейвлет-таҳлили амалга оширилган, чунки NDVI вегетация индексининг даврий қаторлари сезиларли даражада турғун эмас, бу эса уларга нисбатан оддий мувофиқлик таҳлилини қўллаш имконини бермайди (9-расм).


Бошқача қилиб айтганда, вейвлет таҳлил, масалан жараёнга вақтинчалик рухсат бермасдан частоталарни маҳаллийлаштирувчи Фурье трансформациясидан фарқли ўлароқ, тадқиқ этилаётган объектда турли вақт миқёсидаги қаторларнинг ҳам паст, ҳам юқори частотали хусусиятларини бир хил даражада аниқлаш имконини беради.



9-расм. Вегетация давринг давомийлигининг тебранишлари
 а) – амплитудали тўлқин функцияси; б) – интеграл спектр-скейлограмма;
 графикдаги баландликдаги рақамлар - тебраниш даврлари.

Мазкур тадқиқот ишида MODIS сунъий йўлдош тасвирларидан фойдаланиб, R дастурлаш тили ёрдамида Ўзбекистоннинг чўл ва ярим чўл ҳудудларида яйлов ўсимликлари майдонлари динамикаси 2000-2019 йиллар учун ўрганилди (10-расм).

Қуйидаги расмда классификация орқали аниқланган Ўзбекистоннинг чўл ва ярим чўл ҳудудидаги яйлов ўсимликларининг яшиллик қоплами майдони 2005 йилдан кейин камайиши ҳолати кузатилган.



10-расм. Ўзбекистоннинг чўл ва ярим чўл ҳудуди яйлов ўсимликларининг динамикаси.

ХУЛОСА

1. Диссертация ишида сунъий йўлдош тасвирларининг бирламчи ва тематик ишлов бериш усуллари ишлаб чиқилган. Бирламчи ишлов бериш босқичида Ернинг эгрилиги туфайли геометрик жиҳатдан бузиб кўрсатишлар натижасида юзага келган хатоликлар бартараф этилади. Ушбу хатоликларни бартараф этиш географик боғлиқлик аниқлигини 98% га оширади.

2. Дала шароитида тажриба участкаларида GPS қурилмасидан фойдаланиб 2000 тадан ортиқ нуқталардаги маълумотлар тўпланиб, таҳлил қилинди. NDVI дискрет шкаласи $0,2 < NDVI < 0,3$ диапазонлари оралиғида яйлов ўсимликлари кўп эканлиги аниқланди. Март-август ойлари учун сунъий йўлдошнинг қисқа тўлқинли инфрақизил тасвирлари (SWIR2) ва спектрал акс эттириш коэффициентлари (PMС) бўйича ўсимлик қопламининг баландлиги 15-40 см ни ташкил қилиши аниқланган.

3. Тадқиқот ишида чўл ва ярим чўл ҳудудларда вегетация даврининг бошланишини ҳисоблашнинг ярим амплитуда усули таклиф қилинган. Натижада, ҳаво ҳарорати ва NDVI ($r = 0,76$) нинг юқори корреляция боғланишга эга эканлиги кўрсатилган.

4. Ўсимлик қопламини нормаллаштирилган вегетация индексини вейлет-тахлил қилиш асосида Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Устюрт платоси мисолида 20 йил давомидаги ўсимлик қопламининг спектрал-динамик хусусиятлари тадқиқ этилди. Натижада яйлов ўсимликларининг ўсиш муддати 12 ойни ташкил қилган бўлса, вегетация муддати 6 ойни ташкил қилган ва ўсимликларнинг ҳосилдорлик муддатлари 4 ойлиги аниқланган.

5. Метеорологик станцияларда кузатилган ҳамда очик интернет порталлари (ERA5) дан олинган иқлимий маълумотлар таққосланган. Натижада, ҳаво ҳароратининг Тахтакўпир станциясидаги кўрсаткичи ва ERA5 дан олинган кўрсаткичлари корреляцияси $r=0,986$ ни ташкил қилган бўлса, ёғингарчилик бўйича корреляцияси $r=0,789$ ни ташкил қилган.

6. Тадқиқот ишида «Random Forest» алгоритми асосида яйлов ландшафти ўсимлик қопламини таниб олиш ва уни баҳолаш бўйича итерацион алгоритмлар ишлаб чиқилган. Натижада, Бухоро вилоятининг таснифланган харитасида аниқлик даражаси 88,3% ва яйлов ўсимликлари учун 87,5% ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткичлар Навоий вилояти учун 73,3% ва яйлов ўсимликлари учун 64% ни ташкил қилган.

7. Масофадан зондлаш маълумотлари асосида яйлов ўсимликларининг ўзгариш динамикаси таҳлил қилинган. Натижада, яйлов ўсимликлар майдони 2000 йилда 218 020 км², 2019 йилга келиб 192 603 км² ни ташкил этган. 20 йил давомида яйлов ўсимликлари майдони 25416.2 км² га камайиб кетганлиги аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27.06.2017. G.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ЗАИТОВ ШЕРЗОД ШУХРАТОВИЧ

**МОНИТОРИНГ ДИНАМИКИ ПАСТБИЩНОЙ РАСТИТЕЛЬНОСТИ
НА ПУСТЫННОЙ И ПОЛУПУСТЫННОЙ ТЕРРИТОРИИ
УЗБЕКИСТАНА С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ДАННЫХ
ДИСТАНЦИОННОГО ЗОНДИРОВАНИЯ ЗЕМЛИ В УСЛОВИЯХ
ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА**

11.00.04 – Метеорология. Климатология. Агрометеорология.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.1.PhD/Gr135.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещён на веб-странице Научного совета по адресу www.nigmi.uz и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Арушанов Михаил Львович доктор географических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Сафаров Эшкобул Юлдашевич доктор технических наук, профессор Султошева Оралхан Генджебаевна кандидат географических наук, доцент
Ведущая организация:	Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится “27” марта 2024 г. В 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.G.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71-135-85-12, факс: (+998) 71-237-13-13, E-mail: info@nigmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирован за №223). Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71-135-85-12, факс: (+998) 71-237-13-19, E-mail: info@nigmi.uz).

Автореферат диссертации разослан “9” марта 2024 года.

(реестр протокола рассылки № 2 от “9” марта 2024 года).

Б.М.Холматжанов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.Э.Нишонов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.т.н., старший научный сотрудник

Х.Т.Эгамбердиев
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время из-за резких изменений климатических условий в мире деградация земель в пустынях приводит к ухудшению экологического состояния пастбищ. В этой связи, в докладе Организации Объединенных Наций отмечается, что «деградация земель снижает плодородие наших почв, влияет на продовольственную безопасность и подвергает миллионы людей нищете и голоду»¹. Поэтому, проведение исследований, направленных на совершенствование современных методов мониторинга в целях предотвращения деградации земель и оценки продуктивности сельскохозяйственных земель и пастбищ является очень важным.

В мире проводятся научные исследования по разработке автоматизированных систем мониторинга, основанных на использовании геоинформационных систем и анализе мультиспектральных изображений данных дистанционного зондирования Земли при мониторинге пастбищного растительного покрова. В связи с этим, особое внимание уделяется обработке большого объема данных, передаваемых с искусственных спутников Земли (ИСЗ), разработке современных методов их анализа, определению площади растительного покрова земель с использованием различных индексов, а также предотвращению деградации пастбищных территорий.

В нашей стране, в целях повышения продуктивности сельскохозяйственных земель реализуется ряд мер по снижению деградации земель и достигаются определенные положительные результаты. В частности, в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-277 от 10 июня 2022 года «О мерах по созданию эффективной системы борьбы с деградацией земель» определены важные задачи по «... ведение мониторинга деградации земель и опустынивания, ... путем использования современных технологий (лабораторий, дронов, дистанционного зондирования и др.) ...»². В этой связи в республике борьба с деградацией земель, смягчение ее негативных последствий, предотвращение опустынивания, засухи в регионах, сохранение биоразнообразия и создание новых электронных карт, а также широкое использование передовых научных разработок и инноваций в этом направлении имеет значительное научное и практическое значение.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-4243 от 18 марта 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию и поддержке животноводства», №ПП-277 от 10 июня 2022 года «О мерах по созданию эффективной системы противодействия деградации земель», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан №689 от 19 августа 2019 года «Об утверждении положения о предельно допустимых нормах использования при выпасе скота на пастбищах, порядке ведения и поддержания пастбище оборота» и другими нормативно-правовыми

¹Конвенция Организации Объединенных Наций по борьбе с опустыниванием, 10 октября 2022 г.

² Постановление Президента Республики Узбекистан от 10 июня 2022 г. №ПП-277 «О мерах по созданию эффективной системы противодействия деградации земель».

документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

